



## Қахрамон Ражабов

Ўзбекистон Фанлар академияси  
Тарих институти бош илмий ходими,  
тарих фанлари доктори,  
профессор.

E-mail: [kahramon-62@mail.ru](mailto:kahramon-62@mail.ru)

## АМИР САИД ОЛИМХОН ҲАМДА ФАРЗАНДЛАРИ ТАҚДИРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15729783>

**Аннотация.** Мақолада Туркистоннинг сўнгги ҳукмдори Амир Сайд Олимхон ҳаёти ва фаолияти, унинг ҳукмдорлик даври ҳамда муҳожирликда кечган умри, қўп сонли фарзандлари тақдиди кўрсатилади. У архив ҳужжатлари, Амир ва замондошлари хотиралари, ўша давр матбуоти материаллари ҳамда тарихий тадқиқотлар таҳлили асосида яратилган.

*Калит сўзлар:* Амир, сарой, қўшбеги, қизил қўшин, жадидлар, большевиклар, қўрбошилар, тарихий тадқиқотлар.

**Кириш.** Амир Сайид Олимхон, Сайд Олимхон, Амир Олимхон, Тўражон Тўра (1881 йил 1 январ, Кармана – 1944 йил 28 апрел, Кобул) – Бухоронинг сўнгги ҳукмдори (1910-1920), мангитлардан [1]. Амир Абдулаҳадхоннинг ўғли. Олимхон мангитлардан Абдулаҳадхон хонадонида 1881 йили 18 декабрда (хижрий 1298 йил мухаррам ойининг 15 куни) Кармана шаҳрида туғилган. Олимхоннинг онаси Давлат Баҳт ойим исмли гўзал аёл бўлган. Олимхон ёлғиз ўғил сифатида алоҳида меҳр-муҳаббатга сазовор бўлган. Уни ёшлигидан бошлаб Тўражон Тўра деб эъзозлашган.

Олимхон 12 ёшга тўлгач, Петербургдаги Николаев кадет (пажлар) корпусида уч йил давомида ҳарбий муҳандислик мутахассислиги бўйича таҳсил олган (1893-1896) [2]. Олимхон Тўра Бухорога қайтгач, икки йил мобайнида ўз отасидан давлат бошқаруви сирлари ва салтанатни идора қилиш усувларини ўрганади, амирликдаги иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳвол билан чукур танишади. Олимхон Тўра 12 йил давомида (1898-1910 й.) Насаф (Қарши) вилояти ҳокими вазифасида, кейинроқ валиаҳд сифатида Кармана вилояти ҳокими вазифасида бир йил (1910) ишлаган даврда ҳам Қарши ва Карманада қатор ободончилик ишларини амалга оширган. Олимхон Тўра 1910 йил январь ойида пойтахт Бухорода бўлган суннийлар ва шиалар ўртасидаги ўзаро низони, яъни ашуро фитнасини [3] бартараф қилишда анча жонбозлик кўрсатди.

Амир Абулаҳадхон 1910 йил 22 декабрда Кармана яқинидаги Хайробод чорбоғида 54 ёшида вафот этгач, Кармана ҳокими бўлиб турган Мир Сайид Олимхон Тўра отасининг дағн маросимидан кейин Бухоро шаҳрига келиб, 1910 йил 24 декабря 28 ёшида амирлик таҳтига ўтирди.

**Асосий қисм.** Амир Сайид Олимхон дастлаб Бухоро амирлигига маъмурий, иқтисодий ва ҳарбий соҳада ислоҳотлар ўтказишга уринган. 1910 йил 30 декабря у маҳсус фармон чиқариб, ислоҳотлар дастурини эълон қилган. Фармонга кўра, халқдан олинадиган турли солиқлар камайтирилган ва хирож тартибга солинган. Амалдорларнинг пора олиши таъқиқланиб, уларга хазинадан маош белгиланди. Ҳарбий ишни қайта қуришга киришилган. Навкарлар ва сарбозларнинг маошлари икки-уч баробар оширилади [4].

Амир Сайид Олимхон ва аркони давлатнинг бу ишларини Бухоро жадидлари, хусусан, Фитрат катта олқишлиар билан қаршилаган. Бироқ орадан кўп ўтмай Амир Олимхон қадимчилик йўли тарафдорлари бўлган баъзи уламоларнинг тазииклари натижасида бу ислоҳотларни тўхтатиб қўйган. Ёш бухоролик жадидларга нисбатан хайриҳоҳона сиёсатни ҳам ўзаро адоват ва нафрат эгаллаган [5].

Мирзо Салимбекнинг “Кашқули Салимий ва Таворихи муттақадимин ва муттааҳирин” (қисқача “Кашқули Салимий”) асарида ёзилишича, 1911 йили аморат паноҳ Авлиёқулбекбий парвоначи манғит Қоратегин вилояти, Жалил ал-Қодир Девонбеги Ҳисор вилояти, Мулло Неъмат Оллобекбий додхоҳ Кўлоб вилояти, Шоҳбекбий Сариосиё вилояти, Мирзо Азим Ҳўжа Шеробод вилояти ҳокими лавозимларини эгаллашган. 1912 йили (ҳижрий 1330 йил) Муҳаммад Юсуфбий додхоҳ Чоржўй вилояти, Ибод ал-Хофиз Иноқ Бухорий Бойсун вилояти ҳокими қилиб тайинланади [6]. Бу пайтда Мирзо Салимбек Ўроқ Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри ҳокими эди. Бизнинг фикримизча, маъмурий бошқарувдаги ушбу ўзгаришларни амалга оширишда янги амир ўзининг ички сиёсатини ўтказиш билан бир қаторда, раъият манфаатларига хизмат қилишни ҳам назарда туттган.

Сайид Мансур Олимийнинг “Бухоро – Туркистон бешиги” асарида Амир Сайид Олимхон томонидан Бухоро давлатида маъмурий бошқарувда амалга оширилган ишлар сал бошқачароқ тарзда қўйидагича тасвирланган: “Амир Олимхон 1329 (милодий 1911) йил бошқарув тизимида кишиларни тайинлади. Масалан, Қоратегин ҳокими Авлиёқулбекни Ҳисор беклиги девонбегиси этиб тайинлади. Сариосиё ҳокими Исҳоқбекбийни Кўлоб вилояти ҳокими, Мирза Рабиъни Шеробод вилояти ҳокими, Абдулҳафизбийни Бойсун вилояти ҳокими қилиб тайинлади. Қарши ҳокими Ҳўжа Судурни мансабидан четлаштириб, ўрнига Дехинав вилояти ҳокими Усмонбекбийни тайинлаб, унга додхоҳ мансабини берди. Аморатпаноҳ Мирзо Низомиддин Ҳўжа парвоначини девонбеги лавозимига, унинг ўғли Мирзо Раҳматуллони додхоҳ лавозимига, Аҳорқулбекбий қалмоқни бий лавозимига, Кўлоб ҳокими аморатпаноҳ Мулло Неъматуллобекбий додхоҳни Қоратегин ҳокими, Муҳаммаб Юнусбий додхоҳни Чоржўй волийси лавозимига тайинлади”[7].

Бироқ Амир Олимхон ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигининг Россия империясига қарамлиги тобора кучайди. Унинг фармони билан тараққийпарвар кучлар, аввало, Ёш бухороликлар қаттиқ таъқиб қилинди. Биринчи жаҳон

урушки даврида Россия императори Николай II уни генерал-лейтенант ҳарбий унвони билан тақдирлаган ва ўзининг генерал-адъютанти қилиб тайинлаган (1915 йил декабрь). Чунки амир уруш пайтида Россия давлатига катта миқдордаги маблағ билан моддий ёрдам берган эди.

Амир Олимхон Бухоро мамлакати учун масъулиятли бўлган бир давр – 1917-1920 йилларда адолатли сиёsat юритиш ўрнига Ёш бухороликлар ва уларга хайриҳоҳ кучларга нисбатан жабр-зулмни кучайтирган. Бухорода 1917 йил апрелда бўлган намойиш, хусусан, Колесов воқеаси (1918 йил март)дан кейин у амирлик худудида 3000 кишини жадид деб айблаб, ноҳақ қатл қилдирган. Хуллас, Олимхон мамлакатда конституцион монархия ўрнатмоқчи ва демократик ислоҳотлар ўтказмоқчи бўлган Ёш бухороликларни аямасдан қириб ташлайди, салтанат ҳудудида янгилик ва тараққиётга томон бўлган ҳар қандай интилишга қарши чиқади.

Туркистон ўлкасида 1917 йил кузида совет режими ўрнатилгач, Хоразмда Жунаидхон ҳамда Фаргона водийсида Мадаминбек, кейинчалик Шермуҳаммадбек билан қизил армияга қарши курашда иттифоқ тузилган бўлса ҳам Амир Сайид Олимхон уларга етарли даражада ҳарбий ёрдам кўрсатмади. Бухоро қўшинини замонавий қуроллар билан таъминлаш ишлари ҳам охирига етказилмади. Олимхон мамлакат аҳволини яхшилаш ўрнига асосий вақтини дабдабали турмуш кечириш ва айш-ишратга сарфлаган. У Бухородаги айrim мутаассиб уламоларнинг кучли таъсири остида бўлган. Улуғвор бир туркий давлат – Бухоро амирлиги таназзулга учраб, парчаланиб кетишида совет Россиясининг ҳарбий тажовузи билан биргаликда Олимхоннинг калтабинлиги ҳам сабаб бўлган.

1920 йил августида Туркистон фронти қўшинларининг Бухорога қилган босқини натижасида Амир Сайид Олимхон 39 ёшида тож-тахтдан маҳрум бўлди. Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланди. Қизил аскарлар томонидан Бухоро шаҳри вайрон қилинди, амирлик хазинаси тўла равища Москвага ташиб кетилди. Амирнинг ҳарами (118 киши) 1920 йил октябрь ойи ўрталарида

Хожа Ориф (ҳозирги Шоғиркон)да қизил аскарлар томонидан қўлга олинган. Сентябрь ойининг ўрталарида сабиқ амир Шарқий Бухорога бориб ўрнашди. Хуллас, Бухоро фожиалари Сайд Олимхоннинг шахсиятида кескин ўзгаришлар ясади. Бироқ асосий фурсат бой берилган эди. Шундай бўлишига қарамасдан, Олимхон Бухоро халқининг босқинчи қизил армияга қарши олиб борган мустақиллик курашига раҳбарлик қилишга уринди.

Сайд Олимхон Ҳисор вилоятини ўзига қароргоҳ (марказ) қилиб, олти ой давомида қизил аскарларга қарши курашади. У Ҳисорда ўзининг баъзи сарой аёнлари ва маҳаллий амалдорлардан иборат янги ҳукумат ташкил қиласди, бухороликларнинг қизил аскарларга қарши олиб бораётган жанг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга интилди. Янги ҳукумат фаолиятида Ҳисор ҳокими Авлиёқулбек (1922 йили ҳалок бўлган) муҳим роль ўйнайди.

Кўлоб, Ҳисор ва Душанбе атрофида Олимхон катта миқдордаги ҳарбий кучларни бирлаштиришга муваффақ бўлган. 1920 йил ноябрь ойининг ўрталарида унинг қўшинлари Бойсун, Дарбанд, Шерободни қизил аскарлардан озод қилишди. Фарғона водийсидан ёрдамга юборилган 4000 йигит ҳам Шарқий Бухорога – Олимхон ихтиёрига етиб келади. 1921 йил 8 январда Олимхон қўшинининг миқдори 25 000 кишига етган. Ҳисордан Кўлоб вилоятига келган Сайд Олимхон бутун қўшинларига машҳур қўрбоши Иброҳимбекни Олий бош қўмондон қилиб тайинлайди. Шарқий Бухорода Давлатмандек Девонбеги ва Ғарбий Бухорода Мулла Абдулқаҳҳор унинг ўринбосарлари қилиб белгиланди. Бироқ бир қатор жангларда мағлубиятга учрагач, 1921 йил 4 марта Сайд Олимхон ўз яқинлари ва сарой аёнлари билан Амударёning Чубек кечувидан Афғонистонга ўтиб кетган.

Кобул шаҳрида Олимхонни Афғонистон амири Омонуллахон (хукмронлик даври: 1919-1929) қабул қилиб, доимий яшashi учун унга пойтахт яқинидаги Қалъаи Фотуда маҳсус қароргоҳ ажратиб берди. У Кобулда муқим яшаса ҳам Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатига ғоявий жиҳатдан раҳбарлик қилишда давом этди, қўрбошилар ва уламоларга турли мактублар ва қимматбаҳо

совгалар жўнатиб, уларни большевиклар ва қизил армияга қарши курашга илҳомлантиради. Хусусан, Бухородаги йирик қўрбошилар – Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор, Давлатмандбек, кейинчалик Туркиядан келган Анвар Пошо ва Салим Пошо каби лашкарбошиларга доимий равишда ўз эҳтиромини изҳор қилиб туради. Бироқ, Олимхоннинг асосий мақсади Бухородан қизил армия қувилгач, амирлик тузумини қайта тиклаш бўлганлигини унутмаслик лозим. У мустақил Бухоро Республикаси мавжуд бўлиши ва Бухоронинг демократик йўлдан ривожланишига қарши эди.

Олимхон қолган бутун умрини Кобулда ўтказди. У хорижда ҳам Бухорони большевиклардан озод қилиш фикридан воз кечмади. 1923 йил 4 июнда «Манчестер-Гардион» (Англия) газетасида Олимхоннинг «Большевикларнинг Ўрта Осиёга компанияси» номли жаҳон халқларига мурожаатномаси эълон қилинди. Бу мурожаатномада совет Россиясининг 1917-1922 йилларда Туркистонда юритган мустамлақачилик сиёсати, Бухоронинг қизил армия томонидан босиб олиниши, амирлик хазинасининг талон-торож қилиниши ва Москвага олиб кетилиши, истиқлол жанглари ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Собиқ ҳукмдорнинг ёзишича, Туркистон минтақасида қизил армияга қарши курашаётган мужоҳидларнинг миқдори бу пайтда 60 000, қизил армиянинг сони эса 100 000 киши (фақат Бухоронинг ўзида 40 000 қуролли қизил аскар) бўлган [8].

Сайд Олимхон Кобулда ўзининг «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» [9] номли машҳур эсдаликларини ёзган. Бу мемуар ва унинг Миллатлар Иттифоқи (Лигаси)га ёзган расмий баёноти ўзининг маҳсус вакили генерал Ҳожи Юсуфбек Муқимбой ўғли орқали 1927 йил сентябрда Женевадаги бу ташкилот раҳбарларига топширилди. Мурожаатнома Женевадаги Миллатлар Лигасидан ташқари Гаагадаги халқаро трибуналга, Буюк Британия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатларнинг раҳбарларига жўнатилди. Бухоронинг собиқ амири томонидан тайёрланган ушбу расмий ҳужжат жаҳон аҳлини жунбушга солди.

Франция, Италия, Швейцария, Германия, Англия ва Эрон давлатларида бу мурожаатнома қизғин мұхокама қилинганды.

Бухоро қозикалони Мұхаммад Шарифхон [Садр Зиё] (1865-1932) ўзининг “Салтанати подшоҳони манғит дар Мовароуннахр” (“Мовароуннахрдаги манғит подшолари салтанатининг зикри”) асарида бошқа манғит амирлари сингари Амир Сайид Олимхон давридаги мамлакат вазирлари (қўшбеги лар), қозикалонлар, охунд ва аъламлар, раислар, муфти аскарлар, уламолар, қозилар ҳақида муфассал маълумот келтириб ўтади. Хуллас, 1910-1920 йилларда Бухоро амирлигининг қўшбеги лари (вазирлари) Мирзо Насруллоҳ қўшбеги, Мирзо Низомиддинхўжа қўшбеги (Низомиддин Урганжий), Усмонбек қўшбеги; қозикалонлари Мулло Бақохўжа, Мулло Бурҳониддин Бадриддин қозикалон ўғли, Мирзо Мұхаммад Шариф домулло Абдушукур ўғли (Садр Зиё); раислар Мулло Уззомуддин мударрис, Мулло Абдуллаҳўжа муфти аскар, Мулло Абдусамадхўжа Судур ва бошқалар бўлишган.

Сайд Олимхон мухожирликда юрт дийдорига талпиниб яшади. Унинг Бухорога қайтиб келиш ҳақидаги илтимосларига СССР раҳбари И.В.Сталин қатъий рад жавобини берган. Умрининг охирида унинг кўзлари хирадашиб, ўзи оғир дардга чалинди. 1944 йил 28 апрелда Сайд Олимхон узоқ давом этган хасталиқдан сўнг 63 ёшида Кобул атрофидаги Қалъаи Фотуда вафот этади. У Кобул яқинидаги Шахидони ислом (Ислом шахидлари) қабристонига дафн этилган. Унинг дафн маросимиға деярли барча ислом мамлакатларидан вакиллар келган. Қабри устига катта мармардан хотира тоши ўрнатилган.

Сайд Олимхон фаолияти совет даврида ўз юритида атайин сохталаштирилиб, унга турли айблар қўйилди. Хусусан, жадидлар (Айний, Фитрат ва бошқалар) собиқ ҳукмдорни қоралашда пешқадамлик қилдилар. Жамоатчилик онгига «даҳшатли ва ёвуз амир»нинг салбий қиёфаси шакллантирилди. Фитратнинг «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» (Сталинобод, 1930) рисоласида унинг шахсияти асоссиз равишда ерга урилган [10].

Амирни асоссиз тарзда қоралаш совет давлати ҳукм сурган XX аср мобайнида муттасил давом этди. Журналист ва “муштумчи” адаб Олимбек Кўчкорбеков 1980 йили “Шарқ юлдузи” журналида Сайд Олимхон ҳақидаги қуруқ тухматдан иборат қиссани чоп этди. У кейинчалик асарини кенгайтириб, “Сўнгги канизак” деб номлади.

*Амир Сайид Олимхон ўғиларининг тақдирин ҳамда бошқа фарзандлари ҳаёти.* Амир Сайид Олимхон пойтахт Бухорои Шарифни тарқ этар экан, ўша тўс-тўполонда нафақат давлат хазинасини, балки ҳарамини ҳам шаҳарда қолдириб кетишга мажбур бўлган эди. Сайд Олимхоннинг бутун хонадони ва қариндош-уруғларидан иборат ҳарами, уларнинг умумий миқдори маҳфий архив хужжатларида 118 нафар киши деб номма-ном кўрсатилган, қизил аскарлар томонидан 1920 йил 20 октябрда Хожа Ориф қишлоғида (Шопуркон тумани марказида) қўлга олиниб, Бухородаги Хуржун мадрасасида жойлаштирилган. Сўнгра улар Эски Бухоронинг Хонақо кўчасидаги Жўйбор мадрасасида тутқунликда ушлаб турилган [11]. Большевикларнинг қатъий талабига қарамай жадидлардан тузилган янги Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукумати амирнинг Бухорода қолган барча қариндошларини отиб ташлаш ёки Москвага юборишни хоҳламайди. Амир оиласи ва қариндошлари 1920-1923 йилларда Эски Бухоронинг Хонақо Жўйбор, Мир Дўстим, Қасрли, Дарвозаи Ўғлон кўчаларидаги маҳсус жойларда тутқунликда яшашган [12]. Олимхоннинг ўғиллари Султонмурод Олимхон ўғли (15 ёшда), Шоҳмуродхон Олимхон ўғли (15 ёшда), Абдураҳимхон Олимхон ўғли (13 ёшда) 1920-1922 йилларда Бухорода маҳсус уй қамоғида сақланди. Амир ҳарами 1923 йил ёзигача Эски Бухорода ҳеч қандай зиён-заҳматсиз уй қамоғида ушлаб турилди [13].

Собиқ ҳукмдор Олимхон халқаро ташкилотлар орқали БХСР ҳукуматига мурожаат қилиб, ҳарами ва яқинларини Афғонистонга жўнатишни илтимос қилганда, Бухоро коммунистларининг кўпчилиги Кремль кўрсатмасига амал қилиб, уларни зудлик билан жисмонан йўқотишни талаб қилишади. Бироқ

БХСР Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаев ҳамда Маориф халқ нозири Фитрат 1923 йил 4 июлда бўлган Бухоро Коммунистик партияси Марказий Кўмитаси Ижроия бюросининг йигилишида ушбу масалани қўриб чиқиш жараёнида Олимхон илтимоси қондирилиши ҳамда амир оила аъзолари ва яқинларини Афғонистонга жўнатиш кераклигини қатъий таъкидлашади [14].

Амир Сайид Олимхоннинг туққан онаси Давлат Баҳт ойим, ўгай оналари Тўраой (асли ҳисорлик) [62 ёшда], Тўтиой Абдураҳим қизи (асли бадахшонлик) [62 ёшда], Шамсияй Давлатшоҳ қизи (62 ёшда), Саодатой Ҳожихўжа қизи (62 ёшда), завжалари Муҳаррамой Сиддиқхўжа қизи (37 ёшда), Мушаррафой Абдураҳим қизи (37 ёшда), Муборак Абдураҳим қизи (асли қаршилик) [34 ёшда], Ҳурсандой Каромат қизи (32 ёшда), қизлари Хосиятой Олимхон қизи (13 ёшда), Саодатой Олимхон қизи (5 ёшда), Олимхонни эмизган сут онаси Бегим Бобобек қизи (55 ёшда), энагаси Зубайда Қамбар қизи (44 ёшда), амакилари Мир Муҳаммад Сиддиқ Музafferхон ўғли [Ҳашмат], Мир Носир Музafferхон ўғли [Носириддин Ҳанафий], Мир Содиқ Музafferхон ўғли, Мир Абдул Азимхон Музafferхон ўғли, синглиси Шоҳой, қизлари Хадичаой (24 ёшда), Адиманой [Аминаой] (28 ёшда) ҳамда бошқа қариндош-уруғлари (жами 54 киши) ўз ихтиёрига кўра 1923 йил қузида Афғонистонга юборилади.

Амир Сайид Олимхоннинг уч нафар ўғли: Саид Султонмуродхон, Саид Абдураҳимхон, Саид Шоҳмуродхон 1922 йилда Кремлининг талаби билан Москвага жўнатилади. Улар 1923 йил 1 майда Москвада расмий равища очилган “Бухоро маориф уйи”да таълим олишади [15]. Бу ҳақда кейинчалик Ўзбекистон ССР халқ артисти бўлган бухоролик санъаткор аёл Марям Ёқубова (1909-1987) ўз хотираларида сўзлаб ўтади. Ёш қизалоқлигида Амир Олимхоннинг саройдаги ҳарамида хизматда бўлган Марямхон Москвада XX аср 20-йилларида собиқ ҳукмдорнинг ўғли Шоҳмурод билан бирга ўқиган экан [16].

1932 йилда Саид Олимхоннинг Афғонистон Ташқи ишлар вазирлиги орқали Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Муҳаммад Азизхонга шахсий

мактуб йўллаб, Москвага жўнатилган уч ўғлини топиб, уларни қутқаришда ёрдам беришни илтимос қиласди. Олимхон бу масалада халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятига ҳам мурожаат қиласди. Аммо унинг бу соҳадаги бутун интилишлари зое кетади.

Бироқ Москвада яшаётган Олимхон ўғилларининг тақдири фожиали тугайди. Ўзининг совет режимига нисбатан нафратини яққол намоён этган кичик ўғил Абдураҳимхон 1937 йили жосусликда айбланиб, отиб ташланади. Унинг ўлими ҳақида яна бошқа тахминлар ҳам мавжуд. Катта ўғли Султонмуродхоннинг бир оёғи ногирон бўлиб, у 1940 йилда қамоққа олинади ҳамда қамоқхонада вафот этади.

Ўртанча ўғил Шоҳмуродхоннинг қисмати эса сал бошқачароқ кечади. 1929 йил 16 июнда Шоҳмурод Олимов Москвадаги “Известия” [17] газетасида отасига қарши “очиқ хат” билан чиқади. Мазкур буюртма мактуб “Бухоро собиқ амирининг ўғли ўз отасига шундай дейди” сарлавҳаси билан эълон қилинади. Мактубнинг ўзбек ва тожик тилларидаги таржимаси 1929 йил июн ойида “Озод Бухоро” ва “Тожикистони сурх” газеталарида чоп этилган. Фитрат ўзининг Амир Олимхон ҳақидаги китобида бу хатнинг тожикчасини келтириб ўтади. Кейинчалик бухоролик журналист ва адаб Н.Наимовнинг “Амирнинг зурриёти” [18] китобида мактубнинг ўзбекча таржимасини қайта эълон қилган.

Шоҳмурод Олимов (1910-1985) ўз отасидан воз кечишга мажбур бўлгач, Москвада ҳарбий инженерлик академиясида ўқиёди. У ҳарбий академияни тугатиб, кейинчалик отаси сингари генерал-лейтенант ҳарбий унвонига сазовор бўлади. Иккинчи жаҳон урушида қатнашади. У 1985 йили 75 ёшида Москвада вафот этади. Бироқ у бутун умри давомида ўзини Олимхоннинг ўғли эканлигини одамлардан яширади, юртдошлари ва қариндошлари билан умуман кўришмасликка ҳаракат қиласди...

Амир Сайид Олимхон оиласи ва қариндош-уруғларидан Бухорода қолган 64 киши эса зудлик билан тутқунликдан озод қилиниб, бу ерда яшашлари учун

уларга тегишли шароит яратиб берилади. Бирок XX аср 30-йиллари охирларидағи оммавий қатли омда уларнинг ҳаммаси қатағон қилинган.

Амир Сайид Олимхон 18 нафар ўғил ва 21 нафар қиз, жами 39 нафар фарзанднинг отаси бўлганлиги тарихий маълумотларда қайд этилади. Олимхон ўғилларининг номлари қуйидагича бўлган:

1. Сайд Султонмуродхон [Султонмурод Олимов] (1910-1940).
2. Сайд Шоҳмуродхон [Шоҳмурод Олимов] (1910-1985).
3. Сайд Абдураҳимхон [Рахим Олимов] (1912-1937).
4. Сайд Умархон (1925-?).
5. Сайд Муродхон.
6. Сайд Иброҳимхон.
7. Сайд Раҳимхон.
8. Сайд Орифхон.
9. Сайд Фаттоҳхон.
10. Сайд Ибодхон.
11. Сайд Мансурхон [Сайид Мансур Олимий] (1931-?).
12. Сайд Абдулҳодиҳон.
13. Сайд Ғаффорхон.
14. Сайд Абдулқабирхон [Сайид Абдулқабир Азимий].
15. Сайд Ҳожихон.
16. Сайд Жон [Сайид Маҳмуд].
17. Сайд Сатторхон.
18. Сайд Абдурауфхон.

Қизларининг номи эса қуйидагича бўлган:

1. Хадиҷаой.
2. Адиманой.
3. Ҳосиятой.
4. Саодатой.
5. Шукрияхоним [Яшин] (1908-2006) ва бошқалар.

Сайд Олимхон Афғонистонда яшаганда ҳам бир неча марта уйланган эди.

Унинг бошқа фарзандлари Кобул атрофидаги Қалъаи Фотуда таваллуд топишган. XX аср 90-йиллари бошларида Сайд Олимхоннинг икки завжаси, ўн икки нафар ўғли ва ўн нафар қизи тирик эди. Улар Туркияниг Фозиантиб шахрида, шунингдек, Афғонистон, Покистон, Саудия Арабистони, Эрон, Германия ва АҚШда истиқомат қилганлар [19]. Сайд Олимхоннинг ўғиллари 1993 йил сентябрда ота юртлари Бухорога келиб, уни зиёрат қилишди.

Олимхоннинг 1931 йил Афғонистонда туғилган ўғли кейинчалик умрининг охиригача Туркияда яшайди. Унинг форс тилида ёзилган “Бухоро – Туркистон бешиги” (1996) асарида манғитлар сулоласи ҳукмдорлари, хусусан, отаси Амир Сайид Олимхон хусусида нодир маълумотлар мавжуд. Ушбу асар бухоролик манбашунос ва тарихчи олим Ҳалим Тўраев томонидан форс тилидан ўзбекчага таржима қилиниб, 2004 йили “Бухоро” нашриётида чоп қилинди. Сайд Олимхоннинг қизларидан бири Шукрия хоним (“Америка овози” радиосининг диктори) 2006 йил 26 октябрда 98 ёшида Нью-Йоркда ваофот этган.

Бухоролик журналист ва адаб Нусратулла Наимов Амир Сайид Олимхон ва фарзандлари ҳамда амир хазинаси тақдири тўғрисида 2008 йили “Сўнгги ҳукмдор” тарихий қиссаси, 1995 йили “Амирнинг зурриёти” ва 2005 йили “Амирнинг хазинаси” китобларини чоп эттирган. Самарқандлик ёзувчи Артур Самари бу ҳақда “Амирнинг олтини”[20] номли русча романини ҳам ёзган.

Тадқиқотчи Нуриддин Хотунўғли [21] (у Афғонистонда туғилган этник ўзбек бўлиб, айни пайтда Туркияниг Зонгулдоқ университетида тарихчи олим сифатида фаолият кўрсатади; Амир Сайид Олимхоннинг невара жияни Бинафшахонимга уйланган) Амир Сайид Олимхон ҳақида Туркиядаги Фози университетида 2003 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, 2011 йилда маҳсус монография чиқарди.

Ўзбекистонда сўнгти йилларда Амир Сайид Олимхон шахсиятига нисбатан ҳаққоний ва холис муносабат қийинчилик билан бўлса-да шаклланмоқда. Тарихчилар Туркистон тарихида ўтган сўнгти ҳукмдор ҳаёти ва

фаолиятини тўғри ёритишга ҳаракат қилишмоқда. Шу билан биргаликда бир гурӯҳ ёзувчи ва ҳаваскор қаламкашлар, шов-шувга ўч журналистлар Олимхон фаолиятини идеаллаштириб, уни қўкларга қўтариш билан шуғулланишса, айрим журналист ва адиллар худди совет даврида бўлгани каби собиқ ҳукмдорга турли тухмат ва маломат тошларини отмоқда. Улар орасида айрим таникли адилларнинг ҳам борлиги ачинарли ҳолатдир.

Амир Сайид Олимхоннинг хотиралари дастлаб Парижда 1929 йили француз, сўнгра Ғарбда форс тилида босилган. Бу хотираларнинг русча таржимаси Иброҳимбек қўрбоши ва сафдошларининг чекистлар томонидан тўқилган “жиноий иши”га 1931-1932 йилларда киритилган. Бу хотиралар унинг ўз юртида фақат мустақилликка эришиш арафасида – 1991 йилнинг бошларида дастлаб “Фан ва турмуш” журналида, кейинчалик «Бухоро ҳалқининг ҳасрати тарихи» номи билан ўзбек тилида “Фан” нашриётида алоҳида китоб шаклида, ўша йили Тошкентда “Звезда Востока” [22] журналида рус тилида, 1992 йили эса Душанбеда тожик тилида китоб ҳолида чоп қилинган.

Амир Сайид Олимхон ҳукмронлиги даврида Бухорода Олимхон мадрасаси қурилган, 1915-1918 йилларда Бухоро атрофидаги Ситораи Моҳи Хоса саройини қуриш яқунланди. У Бухоро шаҳридаги қўплаб тарихий обидаларни таъмирлаш учун маблағ ажратган. Шунингдек, Қаршида мадраса қурдирган, Қашқадарё устига янги кўприк солдирган ҳамда Карманада ҳам бир қатор меъморий иншоотлар барпо этган. Олимхон томонидан қурилган биноларнинг аксарияти бугунги кунда ҳам эл хизматига яраб турибди. Олимхон саройида қўплаб шоирлар ва олимлар яшашган ҳамда ижод қилишган.

Шундай қилиб, Амир Сайид Олимхоннинг Бухорода ўн йиллик ҳукмронлик даври мураккаб сиёсий ва ҳарбий можаролар пайтига тўғри келди. Бир томондан большевиклар ҳарбий тажовузи ва уларнинг оммавий ҳужуми, иккинчи томондан, ички мухолифат ҳисобланган Ёш бухоролик жадидлар ҳаракати натижасида амирлик тузуми ағдариб ташланди. 1756-1920 йилларда ҳукм сурган манғитлар сулоласи тарих саҳнасидан туширилди.

Амир Сайид Олимхон номи нафақат манғитлар сулоласининг, балки Туркистоннинг сўнгги ҳукмдори сифатида ҳам тарих саҳифаларидан жой олди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Ражабов К. Бухоро манғит амирлари. – Тошкент: Фан-Ochun, 2025. 225-246-бетлар.
2. Ражабов К. Ёш бухороликлар... (Уларнинг Шарқ мамлакатларидағи Ёшлар ҳаракатлари билан узвий алоқалари) // “Бухоро мавжлари”. 2005. № 2. 26-29-бетлар
3. Ражабов Қ. Қизил қўшинга қарши Бухоро. 2-нашри. – Тошкент: Фан-Ochun, 2025. 139-145-бетлар.
4. Кличев О. Сайид Мир Олимнинг ҳарбий таълими. – Бухоро: Дурдона, 2021. – 44 бет.
5. Жамолова Д. Бухоро амирлигига жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент: Muharrir, 2021. – 168 бет.
6. Мирзо Салимбек. Кашқули Салимий ва Таворихи муттақадимин ва муттааҳирин. Форс-тожик тилидан ўзбекчага Н.Йўлдошев ўтирган. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003. 305-306-бетлар.
7. Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Форс тилидан таржима ва сўзбоши муаллифи: Ҳ.Тўраев. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2004. 72-бет.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви (Ўзбекистон РПДА), 60-фонд, 1-рўйхат, 3177-иш, 4-8-варақлар;
9. Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Форсийдан таржима ва изоҳлар муаллифи А. Ирисов. – Тошкент: Фан, 1991. 32 бет.
10. Фитрат. Давраи ҳукмронии Амир Олимхон (Бо муқаддимаи А.Мухиддинов). – Душанбе: Палатаи давлатайи китобхо, 1991. – 64 саҳ.;
11. Ўзбекистон РПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 541-иш, 73-81-варақлар.
12. Ўзбекистон РПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 541-иш, 72-82-варақлар.

13. *Қ.Ражабов*. Бухорога қызил армия босқини ва унга қарши қураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 й.). – Тошкент: Маънавият, 2002. 29-30-бетлар.
14. Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 425-иш, 278-варак.
15. *С.Иноятов, А.Алауов*. Бухарский дом просвещения в Москве. – Навои, 1996. – С.20-24.
16. *М.Ёқубова*. Даврим ва даврам. Тузувчи: Т.Ёқубова. Рус тилидан Назокат Азимъ таржимаси. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. – Б.82-83.
17. “Известия” (Москва). 16 июня 1929 г.
18. Нусратилло Наимов. Амирнинг зурриёти (тарихий қисса). – Бухоро, 1995. – 40 бет
19. Бухоронинг сўнгти амири ёки Сайд Олимхоннинг фарзандлари тақдири ҳамда унинг халқ номига қолдирган мероси ҳақида// “Ўзбекистон овози” (Тошкент). 1993 йил 14 октябр;
20. Артур Самари. Золото Эмира (роман). – Ташкент: Узбекистан, 2018. – 480 стр.
21. Nurettin Hatunoğlu. Buhara Hanlığının son emiri: Alim Hanın vasiyeti ve Hezinesi// Türk dunyasi Tarih kultur dergisi (İstanbul). № 254. Şubat. 2008. – S. 47-52.
22. Сайд Алимхан. История бедствий испытанных Бухарским народам. Подготовка к изданию: М.Хасанов, В.Германов, К.Шадиев// “Звезда Востока” (Ташкент). 1991. № 7. – С. 44-62.

## **СУДЬБА АМИРА САИДА ОЛИМХАНА И ЕГО ДЕТЕЙ**

**Аннотация.** В статье описывается жизнь и деятельность последнего правителя Туркестана Амира Саида Олимхана, его правление и жизнь в изгнании, судьба его многочисленных детей. Она основана на анализе архивных документов, воспоминаний Амира и его современников, материалов прессы того времени, исторических исследований.

*Ключевые слова:* Амир, дворец, кошбеги, красная армия, джадиды, большевики, курбashi, исторические исследования.

## THE FATE OF AMIR SAID OLIMKHAN AND HIS CHILDREN

**Annotation.** The article describes the life and activities of the last ruler of Turkestan, Amir Said Olimkhan, his reign and life in exile, the fate of his numerous children. It is based on the analysis of archival documents, the memoirs of the Amir and his contemporaries, materials from the press of that time, and historical research.

Keywords: Amir, palace, koshbegi, red army, Jadids, Bolsheviks, kurbashi, historical research.